

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

# ДАРДИМИЁНА

*Роман*

«Адабиёт учкунлари»  
Тошкент — 2015

**УЎК: 821.512.133-3**  
**КБК 84(5Ў)7**  
**И-81**

**Исмоилов, Нуриддин.**

**Дардимийёна:** Роман: / Нуриддин Исмоилов. — Тошкент: «Адабиёт учқунлари», 2015. — 256 б.

*Ёзувчи асар номини топиб кўйган: “Дардимийёна”. Бу сўз айни куннинг дардини — жаҳонда кечаётган алғов-далғов ва ур-сурларнинг инсон онги ҳамда руҳиятига таъсирини ифодалайди. Воқеалар россиялик қиз Любовь — Муҳаббатнинг ҳикояси билан бошланади. Айнан тугун ҳам, аслида, ўша қиз. Тугунки, ҳалол меҳнат қилиб, новвойлик ортидан пул топаётган ўзбек йигити — Рустам тарафидан ечилажак тугун. Муҳаббат ўз юртига, ўз оиласига, ўз жамиятига бегона қиз. Қайсики, ғарбона иллатлар кенг қулоч ёзаётган, одамлар онгини бир юз саксон даражага ўзгартираётган, йигит-қизларини табиат қонунларига қарши ундаётган чиркин жамиятда ўзини ёт санайди у. Шундай жамият вакиласи бўлса-да, қалбан покизалик ва аёллик зийнатига содиқ қолишга уринаётган қизни бу залолат ботқоғидан оддий новвой йигит қандай қилиб қутқарганини билишни истасангиз, асарни бир лаҳза бўлса-да чалғимай ўқинг!*

**УЎК: 821.512.133-3**  
**КБК 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-987-23-4

© Н.Исмоилов.  
© «Адабиёт учқунлари», 2015.

## МУҲАББАТ ҳикояси

Москва ҳалқа йўлининг Санкт-Петербург йўналишида яшаймиз. Ўн беш қаватли уйнинг ўн тўртинчисида. Оилада тўрт кишимиз. Мен — Любовь, акам Эдуард, отам Олег Абрамович ва онам Анастасия Березовская. Уйимиз уч хона, айвон ва ошхонадан иборат. Менинг ётоғим шимолга қараган. Ўн беш квадрат метр. Хонамда битта каравотим, иш столим, бирга бир гиламчам, деворда Элизабет Маронинг сурати бор. Дарвоқе, деворга пушти ранг қоғоз ёпиштирганман. Чунки менга шунақанги ранг ёқади.

Бу йил роппа-роса ўн саккизга кирдим. Бу дегани, менинг имкониятларим бир томондан чегараланса, иккинчи томондан очилади. Яъни ота-онам сариқ чақа ҳам бермайди. Албатта, улар шунга хурсанд. Нимаики есам, ичсам, кийсам, ҳаммасига пулни ўзим ишлаб топишим керак. Аини чоғда Олег Абрамович бундан бу ёғига мени мутлақо тергашга ҳақи йўқ. Қаерда ким билан юраман, нима қиламан — шахсий ишим.

Лекин тўғриси айтийин, дастлабки кунлар оғир бўлди. Ахир чўнтагимда ҳеч вақойим йўқ эди-да. Шу боисдан ойига ўн фоиз устама тўлаш шарти билан оийм Анастасия Березовскаядан қарз олдим. Чунки Олег Абрамович беришни истамади. Отам Эдуардга бундан саккиз ой бурун пул берган эди. Акам вақтида қарзини қайтаролмади. Натижада, фоизи ошиб кетди. Гарчи Эдуард ҳамма қарзини тўлаб бўлган эса-да, фоизлардан қутулолмай қолди. Ҳозирда унинг қарзи

«кўки»да эллик мингдан ошиқроқни ташкил этади. Ойим Анастасия Березовская бир сафар Эдуарднинг илтимосига биноан ўртага тушди. Яъни фоиз миқдорини бир оз камайтирмоқчи бўлди. Бироқ отам айёронга кўзини қисиб: «Мен розиман. Фақат битта шартим бор», деди. Албатта, ойим ҳам анойилардан эмас. Ким билан нима ҳақида гаплашмасин, олдиндан режа тузади. Ҳар қандай ожизгина қаршиликка ҳам жавоб тайёрлаб кўяди. Эҳтимол, шунинг учун у бойдир. Дарвоқе, онам ҳақида... Анастасия Березовская уйимиздан икки квартал наридаги хусусий мактабда бошланғич синфларга дарс беради. Инглиз, немис тилларини мукаммал билади. Аммо даромади тил билишидан эмас. Ўқувчиларнинг ота-оналаридан пул ундиришдан. Олдин қарз олади. Фоизсиз, шунчаки. Нимадир сотиб олмақчи ва унга қанчадир етмай қолганини айтади. Албатта, сўрашдан аввал яхшилаб тайёргарлик кўради. Биласиз, хусусий мактабларда ҳар кимнинг ҳам боласи ўқийвермайди. Яхшигина бойликка эга бўлган, завод-фабрикалар, катта-катта супермаркетларнинг эгалари ва ҳеч бўлмаганда уч-тўртта кичик дўконларнинг хўжайинлари бунақанги ўқув даргоҳига боласини беради. Ойим шуларнинг ичидан энг бойининг фарзандини танлайди ва “ҳужум”га ўтади. Ўқувчи дастлабки оиларда аълога ўқийди. Бунга эришиш учун Анастасия Березовская бор имкониятини ишга солади. Китобларни титкилайди, интернетга термиледи. Бир нималарни ҳали у дафтарига, ҳали бу дафтарига ёзади. Режа тузади. Қарабсизки, ҳар қандай эринчоқ, эркатой, ўйинқароқ бола унинг таъсирига тушиб қолади. Ана шундан кейин Анастасия Березовская ҳамлани бошлайди. Ўқувчиларни мактабга олиб келиб-олиб кетаётган хизматкорлар ёки ота-оналарга уларнинг болалари ниҳоятда яхши ўқиётгани, тарбияси жудаям яхшилиги тўғрисида тинимсиз гапиради. Бу жараён тахминан икки ойча давом этади. Кейин кутилмаганда ўша мақталган ўқувчи

дарсни ёмон ўзлаштириб қолади. Унинг кундалик дафтарида қаторасига қўйилган бешлар ортидан уч, иккилар кўриниш бера бошлайди. Албатта, бундай ҳол ўқувчининг ота-онасини безовта қилади ва улар мактабга боласининг устози билан гаплашиш учун келишга мажбур бўлади. Ана шунда Анастасия Березовская «газ»ни босади. «Илгари ҳар битта сўзни дарров илиб олар, берган вазифаларимни ўз вақтида бажарарди. Лекин кейинги пайтларда ўқишида жиддий ўзгариш пайдо бўлди. Назаримда, уйда дарс тайёрламаётганга ўхшайди».

— Йўқ, — дейди она бир оз хижолат бўлиб, — дарс тайёрлаши учун ҳамма шароит бор. Билмаганларини ўзимиз ўргатишга ҳаракат қиламиз. Кейин шу десангиз, назаримизда, фанлар мураккаблашиб қолгандай.

— Албатта, давр ўзгаряпти. Шунга яраша ўқувчи сиз чамалаганингиздан кўпроқ нарсани билиши зарур. Сиз билан биз ўқиганимизда бутунлай бошқа давр эди... Аммо бошқа ўқувчиларим ёмонмас, ўзлаштиришяпти. Сергей негадир...

— Балки, қўшимча дарс бериш керакдир, — унинг гапини бўлади ўқувчининг онаси.

— Шундай қилса ҳам бўлади.

— Агар сиз боламга қўшимча сабоқ беришга рози бўлсангиз, ҳақини тўлардим.

— Нима десам экан? Умуман олганда, ушбу усул ҳам муаммога ечим бўлиши мумкин (англадингизми, ойим атайин «муаммо» деган сўзни ишлатди. Бу сўз бир қарашда эътиборсиздай туйилиши мумкин. Бироқ таъсири шундай бўладики, натижада унга бевосита итоат этилади). Фақат бу ерда эмас. Биласиз, бизда ички тартиб жуда мустаҳкам.

— Сиз, ҳурматли Анастасия Березовская, уйимга бемалол боришингиз мумкин. Сиз учун ҳамма шароит муҳайё қилинади.

Ойим дастлабки ғалабага эришганидан кейин навбатдаги ҳамлага ўтилади. Ўқувчисининг уйи қаср

эканлигига, бошқа жойда бунақанги иморат кўрмаганлигига алоҳида урғу беради. Албатта, хонадон бекаси билан гаплашаётганида. Кейин ворис, албатта, ота-онасининг бойлигини сақлаши, кўпайтириши учун ниҳоятда билимли, дипломат бўлиб улғайиши зарурлигини қистириб ўтади.

Анастасия Березовская жуда меҳнаткаш аёл, у мақсадига етишмоқ учун, керак бўлса, ўлиб тирилиши мумкин. Шу боисдан ўн-ўн беш кун эринмасдан ўқувчининг уйига қатнайди. Шу вақт мобайнида ўзининг манфаати хусусида чурқ этмайди. Шу вақт мобайнида Сергей тубдан ўзгаради. Ҳаттоки хорижнинг энг қийин тилларида шеърлар ўқийди. Мазмун-моҳиятини гапириб беради. Бундан бек ва беканинг боши осмонга етади ҳамда улар ўқитувчига келишилганидан ортиқроқ пул бериш ҳақида ўйлашади, маслаҳатлашишади.

— Сиз ўғлимизга биз ўйлаганимиздан самаралироқ таълим бердингиз. Шу боисдан ҳақингизни келишганимиздан икки баробар кўпроқ бериш керак, деган тўхтамга келдик.

Бундай гаплар, албатта, кечки овқат пайти, ўқувчининг уйида бўлади. Ота-она Анастасия Березовская ҳурматига кичиккина базм уюштиришади-да. Одатда, бунақанги давраларда бирданига мақсадга ўтилмайди. Олдин озгинадан «олинади». Ахир зодагонлар оиласида шундай қилинади-да.

— Арзимаган меҳнатимни шунчалик қадрлаганингиз учун ташаккур. Сергей ажойиб инсон бўлиб етишганидан кейингина мен хотиржам тортаман. Унгача худди сиз ота-оналар каби безовталаниб юраман, — дея жавоб беради Анастасия Березовская.

Унинг гаплари ота-онага хуш ёқади. Улар жилмайишади.

— Биласиз, — гапида давом этади Анастасия Березовская юзда табассум билан, — биз ўқитувчиларнинг қўлидан таълим беришдан ўзгаси келмайди. Шу

боисдан ҳар-ҳар замонда бировлардан озгина қарздор бўлиб қоламиз. Мабодо, ўша берадиганларингга етти-саккиз минг доллар қўшсанглар... Албатта, қарзга, айтилган муддатда қайтарган бўлардим. Хаёлингнинг бир чеккасини қарздорлик балоси эгаллаб олган пайтда таълим бериш ниҳоятда оғир бўларкан.

Ота-она ўзаро кўз уриштиришади.

— Биз сизни тушундик, — дейди бека, — албатта, ёрдам берамиз. Қарзга муддатсиз пул берамиз. Тўғри-ми, Саша?

Етти-саккиз минг улар учун ҳеч нарса. Чунки бир кунлик даромади ундан икки-уч, эҳтимол, ўн баробар зиёддир. Қолаверса, Анастасия Березовская уларнинг наздида ниҳоятда ақлли, билимли, фаросатли ва камсуқум, бир сўз билан айтганда, беназир аёл. Шундай экан, унинг кўнглини қолдирмаслик лозим.

— Худди шундай. Сиз, Анастасия Березовская, пул томонидан сира хавотир олманг. Муҳими, боламизга, яъни келажак авлодга етарли билим берсангиз бўлгани.

Шу куннинг ўзидаёқ кўнглидаги пулни қўлга киритган онам эртасига уни кимгадир маълум миқдордаги фоиз эвазига беради. Жуда мижоз тополмаса, банкка топширади. Қарабсизки, унинг пуллари ўз-ўзидан кўпайиб кетаверади. Ҳозир пуллари миллиондан ошиб кетган. Албатта, агар ундан кўп бўлмаса. Чунки мен онам баъзи-баъзида пулларини ҳисоблаётиб, беҳосдан оғзидан чиқиб кетган рақамларнигина айтяпман. Шунда ҳам банкка қўйганларини. Ахир унинг одамларда ҳам қанчадан-қанча пуллари ётибди-ку.

Хуллас, отам Олег Абрамович кўзини қисиб қўйиб:

— Эдуарднинг фоиз ставкасини қисқартираман. Аммо бу менинг пул йўқотдим дегани эмас, — деди.

— Демак, унинг ўрнига мен сенга ўша фоизни тўлашим керак. Олег, адолатсизлик қиляпсан. Ахир

сен эркак кишисан, — деди унга Анастасия Березовская ниҳоятда мулойимлик билан.

— Айбловингиз ўринсиз, хоним. Эдуард йигирмага кирган. Мутлақо мустақил одам. Шундай экан, бундан буён ўн саккиз йил мобайнидаги сарф-харажатларимни қоплаши зарур. Бунда фоиз, ўзингиз яхши биласиз, муҳим роль ўйнайди.

— Маккорсиз, жаноб Олег Абрамович, маккорсиз, — дея жилмайди Анастасия Березовская ва бутунлай бошқа мавзуга ўтди. — Агар бугун вақтинг бўлса, сени кечкурунги овқатга, ресторанга таклиф қилмоқчийдим.

— Афсус, — деди отам қўлларини икки ёнига ёзиб, — бугун Галина Андреевна исмли бир аёл билан учрашувим бор. Албатта, муҳим масалада.

— Ўйлайманки...

— Шартнома шартларини бузиб, менинг шахсиятимни камситадиган гапларнинг ўрни эмас, назаримда.

— Узр, Олег. Албатта, кечки овқат ҳақида сени бир ҳафта олдин огоҳлантиришим зарур эди. Учрашувинг яхши ўтишига тилакдошман. Дарвоқе, сен билан бирга Швейцариядаги вилла ҳақида гаплашиб олишимиз керак эди. Эсингда бўлса, яқин кунларда бирор тўхтама келаман, дегандинг.

— Ҳа, шундай дегандим. Аммо ҳозир бунинг учун имконим йўқ.

Шу билан уларнинг суҳбати тугади. Акам Эдуарднинг илтимоси қондирилмади. Ҳолбуки, бу илтимос учун Эдуард онамга нақд беш доллар берганди.

Аҳвол мана шундай бўлиб тургач, ота-онамдан бирор нима умид қилишим Саҳройи кабирда туриб қор кутгандай гап. Демак, ҳаракатга тушишим, эртароқ даромад қилиш йўлини топишим керак. Йўқса, Эдуарднинг куни бошимга тушиши муқаррар. Ўзи шундоғам куни кеча ойим:

— Люба, ўн саккизга тўлганингда нақ бир ҳафта



бўлди, лекин сен ҳали-ҳамон бизнинг ҳисобимиздан кун кўряпсан. Агар шу ҳолат давом этадиган бўлса, ҳар бир кунинг учун кўшимча ҳақ тўлайсан ва биз сендан ундириш йўлини топамиз, — дея огоҳлантирди.

Ҳа, ойим, барибир, топади. Чунки у ниҳоятда ақлли, билимдон. Нима қилсам, қандай қилсам, бешолти рубль топаман? Ўйла, ўйла, Люба. Сен маккорлар қизисан-ку. Сенда уларнинг қони бор. Шундай экан, албатта, битта чора топишинг муқаррар.

Тушдан кейин хаёл сура бошлаган бўлсам, ярим оқшомгача ҳам миямга бирор фикр келмади. Тўғри, баъзи фаразлар бор эди. Масалан, айтайлик, қаддиқоматим келишганлиги, чиройим, юзимдаги кулгичим, дуркунлигим менга яхшигина даромад манбаи бўлиши мумкин. Бироқ бу вақтинчалик. Вақтинчалик даромад эса каминани қониқтирмайди. Менга доимий равишда ҳозирдан то қариб-қартайгунимгача эҳтиёжимни қондирадиган восита зарур. Албатта, бу биринчи навбатда касб, ҳунар. Бироқ мен уни эгаллашим учун камида беш йил керак. Чунки ўқишга киришим, бирор касбни мукамал эгаллашим, ана ундан сўнг сармоя топишим мумкин. Шундай қиламан, бироқ жуда катта қарзга ботаман. Албатта, отаонамдан.

— Ҳалиям ухламадингми? — деган овоз хаёлимни бўлди.

Беихтиёр эшик томонга юзландим. Остонада онам турибди. Қовоғи осилган, кўзлари қисилган. Мен ўрнимдан турдим.

— Уялсанг бўларди, — деди Анастасия Березовская овозини хиёл баландлатиб.

— Нега? Нима нотўғри иш қилдим? — сўрадим хайрон бўлиб.

— Отанг иккаламининг аразлашишимизга сабабчи бўлдинг.

Ҳайратим ошди. Янаям аниқроғи, кўрқиб кетдим. Чунки бундай одамларнинг аразлашиши шунчаки бўлмайди. Жуда жиддий ва кескинлик касб этади. Йўқ, бунга бақир-чақир аралашмайди. Улар ўта мулойимлик билан гаплашишади. Аммо ўша мулойимлик қатига шунақанги кучли заҳар яширинки, тегин-масингданоқ ўлдириб кўя қолиши ҳеч гап эмас.

— Тушликда бир бурдагина қаттиқ нон едим, кечки овқатни емадим. Менимча, сизларнинг иқтисодларингга зарар келтирадиган иш қилмадим. Бир бурда нон билан қайнаган сувни эса ҳисобимга ёзиб қўйдим. Келажакда, албатта, уни қайтаришнинг чорасини кўраман. Шундай экан, қандай қилиб сизларнинг аразлашишларингга сабабчи бўлайин? — дея киприкларимни пирпиратиб, ойимнинг янада осилиб кетган қовоғига тикилдим.

— Чироқ масаласи-чи, шу пайтгача чироқни ўчирмадинг-ку!

Ойимнинг совуқдан-совуқ гапи этимни жимирлатиб юборди.

— Бўпти, ҳозирча ухлай қол. Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Сенга ҳамма нарсани тушунтиришга ҳолим йўқ, — деди ойим ва ортига бурилиб, бир қадам босди-ю, яна тўхтаб мен томон ўгирилди.

— Хайрли тун! — дедим мен шоша-пиша.

Ойимнинг айтмоқчи бўлган гапи бўғзига тикилди. У сўзлаёлмади. Кетди.

Мен тезда чироқни ўчирдим-да, ўзимни каравотга ташладим. Юрагим дук-дук урар, ҳаяжондан сира ўзимни босиб ололмасдим. Қарийб ярим соатча безовталаниб ётдим. Ҳали у ёнга, ҳали бу ёнга ағдарилдим. Кейин ағдарилишдан ҳам чўчидим. Чунки ётогим сим каравот эди. Ҳар ағдарилганимда ғичирлаб кетарди. Агар ғичирлаш ота-онамга эшитилса, тамом бўламан, бўйнимга яна аллақанча нарсани илиб ташлашади. Яна мени очлик қийнарди. Хаёлимда ичак-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2364> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2364> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2364>